

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ ҲАДИСЛАР ИЛМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ

Хошимова Наргиза Ҳусанбоевна

USAТ “Бошлангич таълим” йўналиши 1-курс 103-гурух талабаси

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада бошлангич синф ўқувчиларининг ватанпарвар ва комил инсон бўлиб етишишилари учун ҳадислардан фойдаланишининг ижобий томонлари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Бошлангич синф ўқувчилари, маданият, тарбия, ҳадис, илм, ривожсланиш.

Миллатнинг, халқнинг қадри, шон-шуҳрати унинг олим-у фозил кишилари томонидан жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Бу борада мустақил Ўзбекистонимиз, ўзбек халқи қанча фаҳрланса арзийди. Зеро ушбу муқаддас ва муборак тупроқда таваллуд топган Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Фарғоний каби олим-у фузалоларнинг, мутафаккирларимизнинг инсоният ижтимоий тараққиётига қўшган ҳиссалари беназирдир. Улуғ алломаларимизнинг кучли хотира эгалари бўлганликлари, мустақил тарзда тил ўрганишлари, ҳозирги мустақил Ўзбекистонимиз ёшлари учун катта мотивация -ирода ва ўзига бўлган ишончни беради, сабаби биз шу аждодларимиз авлодларимиз. Имом ал-Бухорий ҳам буюк алломаларимиздан биридирлар. Ал-Бухорий ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир -зехнли ва ма’рифатга хаваси кучли бўлиб, айниқса ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. Ал-Бухорий илмини ошириш учун жуда кўп китоблар ўқиган. Отаси вафотидан кейин ал-Бухорийнинг тарбияси тақводор, диёнатли ва оқила бўлган онасининг вазифасига

ўтади. Ал-Бухорий илм излаб ,юрган кезган,тўқсондан ортиқ устозлари бор эди, у олти юз мингга яқин ҳадисларни ёд олиб ,сарабалаб китоблар ёзган. Унинг "Ал-жоме' ас-саҳиҳ" китоби ҳозирда Ислом университетларда дарслик сифатида қўлланиб келинмоқда. Ал-Бухорий ишончли ҳадисларнинг такрорланадиганлари билан бирга 7275 та ва такрорланмайдиган холда 4000 ҳадисларни биз авлодларига мерос қилиб колдирганлар.

Аввало ҳадис тўғрисида тўхталиб ўтсан."Ҳадис" -арабчадан таржима қилинганда: ҳабар гап,янгилик ма'ноларини берувчи сўздир. Ҳадис -Аллоҳнинг расули Мухаммад (С.А.В.) айтган сўzlari,қилган ишлари,иқрорлари тўғрисидаги ривоятдир.Ҳадис-Ислом динимизда "Қур'он"дан кейин иккинчи маанба ҳисобланади. Ҳадисларнинг бизгача етиб келишида уз даврининг атоқли сиймоларидан Имом Ал -Бухорийдек буюк олимнинг хизматлари каттадир. Мана шу меросдан бошлангич синфларда, дарс жараёнида фойдаланиб, болаларнинг онгини ўстириб борилса, максадга мувофиқ бўлади. Ҳадисларни болаларнинг ёши, қабул қилиши, тушунишини ҳисобга олиб танлаб олиш жуда муҳим. Педагог болалар психологиясига таяниб, ҳадисларнинг ижобий, тарбиявий ва содда турларини саралаб олишлари керак бўлади. Болалар ўрганаётган ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашлари лозим. Улардан мазмuni сўралганда хам педагог ривожлантироқчи бўлган жараённи болалар тилидан эшитиш -бу педагогнинг ютуғидир. Бошланғич синфларда қайси ҳадислардан фойдаланиш мумкин? Болаларнинг ёши, атроф- муҳитнинг, атрофидагиларнинг таъсирини ҳисобга олиб ушбу ҳадисларни қўллаш мумкин. Масалан: "Бир бирингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингизда меҳру-мухабbat уйғонур". Бу ҳадисда синфдошларнинг бир -бирларига "Ассалому алайкум " дейишлари фарз эканлиги, уларнинг орасидаги бегонасирашни узоқлаштириб, тезроқ бир-бирлари билан дўст тутинишлирига ёрдам беришини содда ва ишончли қилиб тушинтириш, 2-4 кунда бунинг исботини ўз кўзлари билан кўришларига ишонтириш, болаларда ҳадисларга бўлган қизиқиши ва янада қўпроқ ўрганиш ҳоҳишини уйғотади. Яна бир муҳим

саналадиган калом "Бисмиллах" ни болаларга албатта бобо, бувилари ўргатган бўладилар, аммо ҳамма болалар хам бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун бу каломни ўргатиш, болаларнинг ҳар бир ишларида хайр -барака бўлиши, уни ёмонликлардан асраши, ёлгиз юрганда хам Аллоҳ паноҳида бўлишини тушунтириб, изоҳлаб, фақат ижобий томонларини ёритиб бериш лозим. Болалар тасаввурини кенгайтириш, ижобий ёндашиш, нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини ажратা олиш ҳислатларини уйғотишида ҳадисларнинг ўрни бекиёсдир. Масалан:"Аллоҳ наздида энг яхши гап-рост гапдир". Бу ҳадисда болаларга рост гапиришнинг яхшилиги, рост гапирган одам Аллоҳ олдида ҳам, дўстлари олдида ҳам мартабаси улуғ бўлишини тушунтириш керак. Болаларда ростгўйлик шаклланиб боради. "Ватанни севмоқ иймондандир". Бу ҳадиснинг маъносини болаларга шундай тушунтириш мумкин: Ватаннинг улуғ эканлиги, уни севиш, ардоқлаш керак эканлиги, болаларга уларнинг кичиклигидан ватаннинг ҳар бир қаричини асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини ҳис қилдириш -болаларда ватанига содик, ватанпарвар, ватан посбонлари бўлиб камол топишларига туртки, йўл кўрсатган бўламиз. "Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат". Бу ҳадис орқали болалар сўзларни ўйлаб, таҳлил қилиб бирорга озор бермайдиган сўзларни ишлатишни ўрганиб боришади, уларда сўз бойлиги ошиб боради. Шеърларнинг ҳикмати эса ундаги маъно мазмунининг инсон хаётида керакли эканлигини билдиради."Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир ."Бу ҳадис болалар ёшлиқларида қанча кўп ва хўб билим олсалар, олган билимлари катта бўлганларида ҳаёт йўлларида йўлдош бўлиши, сабаби улар тошга ўйилган нақшдай хотираларида абадий қолиши ва керакли пайтда бу билимлардан ҳолисона фойдаланишлари мумкинлигини изоҳлайди. "Яхшиликни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар." Ушбу ҳадис болалар синфдошларига, атрофдаги инсонларга кулиб туришлари, очик чехра ва ширинсўз бўлсалар, яхшилик кутиш мумкинлигини онгларига сингдириш керак. "Оддий кийиниш ҳам иймондандир." Бу ҳадисни тушунтириб, маъносини болаларга етказишда, аввало ота онанинг меҳнатлари эвазига олиб берилаётган

ҳар бир нарсаларнинг қанчалар қадрли халол эканлигини тушунтириш керак. Ҳадис болаларнинг камтар ва камсуқум бўлишлари, манманликдан узоқ бўлишларига ундовчи ҳадисдир."Иймоннинг афзали -сабрли ва кенг қалбли бўлишдир ." Бу ҳадиснинг мазмунини шундай изоҳлаш мумкин: Болалар дарс давомида бошқаларнинг жавобларини сабр билан эшитиш, уларга ҳалақит бермаслик, дарс давомида тўғри ўтириш, бошқаларнинг фикрларини бўлмаслик, кенг қалбли бўлиш. Педагогнинг маҳорати, вазифаси болаларнинг ёши, қабул қилишлари, тушунишлари ва англашларини ҳисобга олган холда, содда, тушунарли қилиб изоҳлашдир. Бу жараёнларда педагогнинг ўзи ҳам ўз устида изланади, сўз бойлигини ошириб боради."Нонни эъзозланглар". Ушбу ҳадисни шархлаб бераётганда, ноннинг қандай пайдо бўлиши, бу жараёнда дехқон боболарнинг оғир ва мاشаққатли меҳнатлари, завод-фабрикалардаги иш жараёнлари ёритиб берилади. Бизгача етиб келадиган тайёр нон шаклидаги маҳсулотнинг қанча одамлар меҳнатлари эвазига нонга айланганлиги, қанчадан-қанча болалар нонга зор эканликлари, нонни қадрли ва азиз билиб увол килмаслик шартлигини болалар онгига сингдириш керак ."Бошга не келса - тилдан". Инсон хатони қўпроқ ўз тили билан содир қиласди. Бу ҳадис болаларда айтадиган сўзларига эътиборли бўлишлари, тиллари билан синфдошлари ва бошқаларга озор бермасликлари, олдин ўйлаб, кейин сўзлаш одобини шакллантиради. Ҳадисларни мақоллар билан ҳам мустаҳкамлаш мумкин: "Олдин ўйла, кейин сўйла." "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир". Бу мақолларнинг маъносини болаларнинг ўзларидан сўраб, уларнинг фикрларини эшитиш ҳам болаларнинг билим томонидан ривожланаётганларидан дарактир. Хулоса қилиб айтиш керакки, болаларга ҳадис илмини бошланғич синфлардан олиб боришининг афзал томонлари жуда кўп. Бошланғич синфларда болалар ақлий жихатдан ривожланиб борадилар. Улар ҳадислар орқали ҳар ишни "Бисмиллоҳ"дан бошлаб қиласдиган, шукурли, мулоҳазали, ўйлаб иш қиласдиган, ўйлаб гапирадиган, одобли, ақлли болалар бўлиб камол топадилар. Бу методларни барча мактабларда қўллаш- бошланғич синф ўкувчилар тарбиясига

ижобий таъсир қилади. Сабаби, ўша даврларда етишиб чиққан алломалар, уламмолар, кўп эшитиб, кам гапириб, саволлариға жавобни асосан "Қур'он"дан олганларини, улар колдирган ме'рослардан билиб олиш қийин эмас. Ўн йилдан кейин ўша иккинчи уйғониш даврида етишиб чиққан буюк алломаларимиз каби камтар, оддий ва лекин билими, кашфиётлари, тажрибалари билан оламни забт этадиган буюк аллома -мутафаккирлар етишиб чиқишига кафилман. Зотан иймони -эътиқоди бутун, саҳий ва камтар инсонлардан ёмонлик чиқмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Т., «Ўзбекистон» 1992 йил
 2. И.А.Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Т., «Ўзбекистон» 1995 йил
 3. «Одоб – аҳлоқга оид ҳадис намуналари». Т., «Фан» 1970 йил
 4. Н.И.Болдирев. «Синф раҳбари. Т., «Ўқитувчи» 1975 йил
 5. Р.А.Мавлонова, Б.Нормуродова. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т., 2007 йил.
 6. Кайковус «Қобуснома» Т., «Ўқитувчи». 1986 йил
 7. О.Бўриев. «Оила ва янги анъаналар». Т., «Ўқитувчи» 1988 йил
 8. «Оила етикаси ва психологияси» (Т.Мақсудов таҳрири остида) Т., «Ўқитувчи» 1991 йил
 9. Т.Жавлиев. «Анъаналар – ҳаёт сабоги». Т., «Ўзбекистон» 1992 йил
 10. А.Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ». Т., «Ўқитувчи» 1992 йил
 11. Х.Узоқов, Е.Фозиев, А.Тожиев. «Оила етикаси ва психологияси». Т., «Ўқитувчи» 1992 йил
 12. Ж.Йўлдошев, С.Хасанов. «Авето»да аҳлоқий – таълимий қарашлар». Т.,
 13. А.Ж.Жўраев. «Тарбиявий дарсларни ўтиш». Т., «Ўқитувчи» 1994 йил
- Кушимча Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1). Нилуфар Тўймуродова.Бухоро давлат университетининг Педагогика институти."Та'лим -тарбия жараёнида хадислардан фойдаланишнинг илмий-амалий ахамияти". мак,ола.
- 2). Фаргона вилоят ахборот -кутубхона маркази.
- 3). "Ҳадислар болаларга". Муаллиф: Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарофиддинов. Масъул муҳаррир: Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов. Т: Адолат, 2004-64 бет.
- 4). Кичик ёшдаги ўқувчилар маънавиятини ҳадислар воситасида шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. У.А.Жуманазаров, Н.Абдуқодирова. Масъул муҳаррир: П.Ф.Д. проф. А.Чориев. «Сангзор» нашриёти, Жиззах шаҳри Сайилжойи кўчаси 4 уй.
- 5). Имом Ал-Бухорий сабоқлари. Журнали 2001 йил 4 сон 306 бет.